

Ўзбекистон Республикасининг «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида» ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 09 июндаги 434-сон «Ўзбекистон Республикасида автомобиль транспортини бошқариш тизимини такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори асосида «Автомобиль транспорти кадрлари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институти» Давлат корхонаси бош директори М.Калонов амалдаги Институт Уставига мувофиқ иш юритувчи бундан буён «ИЖРОЧИ» деб аталувчи бир томондан ва _____ раҳбари _____ асосида иш

юритувчи бундан буён «БҮЮРТМАЧИ» деб аталувчи иккинчи томондан, қуйидаги шартномани туздик.

І. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. «БҮЮРТМАЧИ» талаби бўйича, «ИЖРОЧИ» шартноманинг 3.1 бандида келтирилган йўналишлар бўйича автомобиль транспорти соҳасида кадрларнинг малакасини ошириш курсларини шартнома асосида ташкил этиш.

ІІ. МАЛАКА ОШИРИШ КУРСИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ШАРТЛАРИ

2.1. Малака ошириш курсларини Ўзбекистон автомобиль транспорти агентлиги томонидан тасдиқланган намунавий ўқув режа ва дастурлар асосида ёки томонларнинг келишувига асосан тузилган бир марталик ўқув режа ва дастурлар асосида ташкил қилинади.

2.2. Малака ошириш курслари даври 201__ йил «__» _____ дан 201__ йил «__» _____ гача бўлган даврда амалга оширилади.

2.3. «ИЖРОЧИ» Малака ошириш курсларида тингловчиларнинг сони 30 кишидан иборат бўлган тақдирдагина ташкил қилинади.

2.4. «БҮЮРТМАЧИ» «ИЖРОЧИ» билан малака ошириш курслари бошланишдан камида 2 ой олдин шартнома тузиши ва малака ошириш курсига таклиф қилинган (телефон орқали) тақдирдагина, малака ошириш курсига қабул қилинади.

2.5. «БҮЮРТМАЧИ» шартноманинг 2.2 бандида келтириб ўтилган даврда, малака оширувчи шахс ўз вақтида келмаган тақдирда ва «БҮЮРТМАЧИ» 30 кун муддат ичида малака ошириш истаги йўқлиги тўғрисидаги хабар билан «ИЖРОЧИ»ни ёзма равишда огоҳлантирмаса, «БҮЮРТМАЧИ» ҳисобидан ўтказилган пул маблағи «ИЖРОЧИ» томонидан ҳисобга олинмайди ва қайтарилмайди.

2.6. Малака ошириш курслари «ИЖРОЧИ» нинг аудиторияларида олиб борилади ёки таянч корхоналарда ҳамда томонларнинг келишувига асосан «БҮЮРТМАЧИ»нинг таянч базасида сайёр ҳолда олиб борилиши мумкин.

2.7. Малака ошириш курси _____ тилида олиб борилади. (Шартноманинг 4.2.5-бандига мувофиқ ташкил қилинади)

2.8. «БҮЮРТМАЧИ» томонидан юборилган тингловчи (ходим) сабабсиз 18 соат дарсларга қатнашмаганда ва «ИЖРОЧИ»нинг ички тартиб қоидаларини бузган тақдирда, малака ошириш курсидан «ИЖРОЧИ»нинг ички буйруғи билан четлатилади.

2.9. Шартноманинг 5.1.1 ва 5.1.4 бандларида келтириб ўтилган шартларни бажармаган тақдирда, «ИЖРОЧИ»томонидан «ТИНГЛОВЧИ»ни якуний имтихонга киришга рухсат берилмайди. Якуний имтихонга қўйилмаган ва якуний имтихондан коникарсиз баҳо олган тингловчиларга сертификат берилмайди.

ІІІ. ТИНГЛОВЧИЛАР СОНИ, ЎҚИШ НАРХИ ВА ХИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

3.1

№	Ўқув режа йўналишлари	Ўқув юклама хажми (соат)	Миқ-дори	Нархи (сўмда)	Умумий сумма (сўмда)
1	Автомобиль транспортида ташишни ташкил этиш ва бошқарув	72		1 723 000	
2	Йўл ҳаракати қоидалари ва ҳаракат хавфсизлиги асослари	72		1 723 000	
3	Автотранспортда ташиш билан шуғулланувчи тадбиркор-ҳайдовчи	40		309 650	
4	Автотранспортда ҳалқаро ташиш билан шуғулланувчи ҳайдовчи	40		309 650	
Жами:					
Жами:					

3.2. «БҮЮРТМАЧИ» шартнома тузилган санадан («ИЖРОЧИ»дан рўйхатдан ўтказилган кундан) бошлаб _____ банк иш куни давомида шартноманинг 3.1-бандида келтирилган умумий суммани олдиндан 100% тўловини «ИЖРОЧИ»нинг банк ҳисоб рақамига пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

3.3. Мазкур шартноманинг 3.1. ва 3.2. бандларидаги шартлар ўз вақтида бажарилмаган тақдирда шартнома ўз кучини йўқотади.

3.4. Мазкур шартноманинг 2.5, 2.8, 5.1.3 ва 5.1.4 бандларига асосан малака ошириш курсларидан тингловчи четлатилган тақдирда, малака ошириш учун «БҮЮРТМАЧИ» томонидан «ИЖРОЧИ»нинг ҳисобига ўтказилган пул маблағи «БҮЮРТМАЧИ» га қайтарилмайди ва инobatга олинмайди.

3.5. «БҮЮРТМАЧИ» мазкур шартноманинг 2.5, 2.8, 5.1.3 ва 5.1.4 бандлари асосида малака ошириш курсларидан четлатилган тингловчининг кейинчалик малака ошириш истаги пайдо бўлса, малака ошириш учун «ИЖРОЧИ» билан қайта янги шартнома тузади ва янги тузилган шартномага асосан мажбуриятларни бажаради.

ІV. ИЖРОЧИНING МАЖБУРИЯТИ ВА ҲУҚУҚЛАРИ

4.1. «ИЖРОЧИ»нинг мажбуриятлари:

4.1.1 Ўқиш жараёни сифати ва ташкил қилинишига масъул ҳисобланади;

4.1.2 Тингловчиларни электрон ўқув материаллари (маъруза матнлари ва тарқатма материаллар) билан таъминлайди ҳамда дарс жараёни билан боғлиқ бўлган вақтларда компьютер техникасидан фойдаланишга рухсат беради;

4.1.3 Тингловчи малака ошириш курсини якунлагач ва якуний тест синовларидан ўтган тақдирдагина, «ИЖРОЧИ» унга ўрнатилган тартибда сертификат беради;

4.2. «ИЖРОЧИ»нинг ҳуқуқлари:

4.2.1 «БҮЮРТМАЧИ» мазкур шартноманинг 2.2., 2.9., 3.1, 3.2, 5.1.1 ва 7.4 -бандларига риоя қилмаган тақдирда тингловчиларни малака ошириш курсидан четлаштириш;

4.2.2 Мазкур шартноманинг 2.2. - бандида келтирилган малака ошириш курсининг вақтини белгилаш;

4.2.3 Мазкур шартноманинг 2.3. - банди келтириб ўтилган малака оширишга талабгорларнинг (тингловчиларнинг) сони 30 кишидан иборат бўлган тақдирда малака курсларини ташкил қилиш;

4.2.4 Шартноманинг 2.5 банди бажарилмаган тақдирда «БҮЮРТМАЧИ» томонидан ўтказилган пул маблағини қайтармаслик;

4.2.5 Малака ошириш курсини бошқа тилларда амалга ошириш учун, мазкур шартноманинг 2.7 - бандида келтириб ўтилган, яъни белгиланган тил бўйича тингловчиларнинг сони 30 кишидан иборат бўлган тақдирда, малака ошириш курсини ташкил қилиш ҳуқуқларига эга.

V. БУЮРТМАЧИНING МАЖБУРИЯТИ ВА ҲУҚУҚЛАРИ

5.1. «БУЮРТМАЧИ»нинг мажбуриятлари:

5.1.1 Малака ошириш курсларига келаётган ходимининг (тингловчининг): *Паспорт нусхаси, диплом нусхаси, расм (3x4) 2 дона, малака оширувчини малака ошириш курсига сафарбар қилинганлиги тўғрисида буйруқ ва бошқа малака ошириш учун зарур бўлган ҳужжатларни*, малака ошириш курси ташкил этилишидан олдин тақдим қилиш;

5.1.2 Мазкур шартноманинг 2.2. бандига асосан малака оширувчи ходимларни ўз вақтида малака ошириш курсига юборилишини таъминлаш;

5.1.3 Малака ошириш учун ташриф буюрган ходимини дарс жараёнларига ўз вақтида қатнашишини ва «ИЖРОЧИ»нинг ички тартиб қоидаларига тўлиқ амал қилишини таъминлаш;

5.1.4 «ТИНГЛОВЧИ» сабабсиз дарс қолдирмаслиги шарт, тингловчи 18 соатгача сабабли ва сабабсиз бўлишидан қаятий назар қолдирган (қатнаша олмаган) дарсларни ўз вақтида қайта ўзлаштириши ва топшириши лозим;

5.2. «БУЮРТМАЧИ»нинг ҳуқуқлари:

5.2.1 Телефон орқали, ёзма мурожаат ва бошқа мурожаатлар орқали малака ошириш курси қабули учун рўйхатдан ўтиш;

5.2.2 Имкониятларидан келиб чиқиб ўзларига қулай бўлган ўқиш даврига ёзилиши ва ўқиш жараёнлари бошланиш даврини ва навбатини телефон орқали билиб бориш;

5.2.3 Ўқув даврида «ИЖРОЧИ»нинг мавжуд ахборот ресурслар марказидан фойдаланиш;

VI. ТОМОНЛАР ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. «БУЮРТМАЧИ» ва «ИЖРОЧИ» ушбу Шартноманинг шартларини тўлиқ бажармаган тақдирда амалдаги қонунчиликка мувофиқ жавобгар ҳисобланадилар.

6.2. Ушбу шартнома бўйича томонлар ўртасида ҳосил бўлган келишмовчиликлар қонунда белгиланган тартибда ҳал этилади.

VII. ШАРТНОМАГА ҚЎШИМЧА ВА ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИШ ТАРТИБИ

7.1. Ушбу шартномага киритилган ҳар қандай қўшимча ва ўзгартиришлар ёзма равишда расмийлаштирилиб, ҳар икки томон имзолаган ҳоллардагина ҳақиқий кучга эга бўлади.

7.2. Шартномани муддатидан олдин бекор қилиш томонларнинг келишуви бўйича ёки Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Фуқаролик кодекси ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа асослар бўйича амалга оширилади.

7.3. Шартномани бекор қилишга қарор қилган тараф бошқа тарафга бу ҳақда камида бир ой олдин ёзма хабарнома юбориши шарт.

7.4. Ўқиш жараёни билан боғлиқ харажатлар нархи ошиши муносабати билан малака ошириш курсининг нархи ошган ҳолларда, «БУЮРТМАЧИ» томонидан олдиндан 100% тўловни амалга оширишига қарамай, нархлар ошиши туфайли ҳосил бўладиган фарқ суммасини мазкур шартноманинг 3.2 - бандида назарда тутилган тўлов шакли бўйича «ИЖРОЧИ»нинг банк ҳисоб рақамига 5 банк иш куни ичида ўтказиб бериши шарт.

7.5. Нархлар ошиши туфайли ҳосил бўлган фарқ суммасининг тўловини амалга ошириш учун «БУЮРТМАЧИ» ва «ИЖРОЧИ» ўртасида ўзаро қўшимча келишув имзоланади.

7.6. «ИЖРОЧИ» томонидан малака ошириш курслари ташкил этилгунга қадар «БУЮРТМАЧИ» малака ошириш курсларига қатнашиш истагини рад этса, «ИЖРОЧИ»нинг ҳисоб рақамига ўтказган пул маблағини қайтариб олиш учун ёзма мурожаат қилади, бунда «ИЖРОЧИ» томонидан қайтариладиган пул маблағидан (суммадан) банк хизмат ҳақи(фоиз) ушлаб қолинади.

VIII. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

8.1. Тарафлар ўртасида ушбу шартнома бўйича пайдо бўладиган барча низолар ёки келишмовчиликлар томонлар ўртасида музокара йўли билан ҳал қилинади.

8.2. Агар келишмовчиликларни музокара йўли билан ҳал қилиб бўлмаса, улар Қонунда белгиланган тартибда суд орқали ҳал қилинади.

IX. ФОРС МАЖОР ҲОЛАТЛАР

9.1. Томонларга боғлиқ бўлмаган ҳолатлар “ёнгин, сув тошқини, зилзила ва бошқа шу каби ҳолатларда ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари”да, агар тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланган тақдирдагина, мажбурият бажарилмаганлиги учун томонлар жавобгарликдан озод этилади.

9.2. Юқоридаги ҳолатлар юзасидан «БУЮРТМАЧИ» «ИЖРОЧИ» бир-бирига дарҳол хабарнома юбориши мажбурийдир.

X. БОШҚА ШАРТЛАР

10.1. Шартнома тарафлар томонидан имзоланиб, руйхатга олинган кундан кучга киради ва «_____» _____ 20__ йилгача амал қилади.

10.2. Мазкур шартнома икки нусхада тузилди ва бир хил юридик кучга эга .

ТОМОНЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ

«ИЖРОЧИ»

«БУЮРТМАЧИ»

«АВТОМОБИЛЬ ТРАНСПОРТИ КАДРЛАРИ
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ВА ҚАЙТА ТАЙЁРАШ
ИНСТИТУТИ» ДАВЛАТ КОРХОНАСИ

Манзил: инд:100147; Тошкент шаҳри, Яшнабод
тумани Мумтоз кўчаси, 5А-уй.

Телефон: (71) 231-12-67 +998 95-196 44 43,

Факс/тел: (71) 231-12-68

Х/р: 2021 0000 0041 5939 7001

Банк: ХАТБ «Туркистонбанк» Юнусобод тумани
филиали МФО:00898 СТИР: 203 783 260:

ОКЭД:85590. Электрон почта: ilm@uzaart.uz

Сайт: www.avtoilm.uz

Бош директор _____

(имзо) (Ф.И.О)

М.Ў.

_____ (имзо) _____ (Ф.И.О)

М.Ў.

Ҳуқуқшунос _____

201__ йил «__» _____ даги № _____ сонли шартномага асосан
201__ йил «__» _____ даги № _____ сонли ХИСОБ-ФАКТУРА- НАКЛАДНАЯ.

**Бажарувчи: АВТОМОБИЛЬ ТРАНСПОРТИ
КАДРЛАРИ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ВА
ҚАЙТА ТАЙЁРАШ ИНСТИТУТИ ДАВЛАТ
КОРХОНАСИ**

Манзил: 100147. Ташкент ш. Мумтоз
кўчаси 5А уй
Телефон: (71) 231-12-67 +998 95-196 44 43
Факс/тел: . (71) 231-12-68
Х/р № 2021 0000 004 15939 7001
Банк: ХАТБ Туркистон банк Юнусобод фил.
МФО: 00898

СТИР: 203783260 **ОКЭД:** 85590

Буюртмачи: _____

Манзил: _____

Телефон: _____

Х/р № _____

Банк _____

МФО: _____ **СТИР:** _____

ОКЭД: _____

№	Кўрсатилган хизматлар ва бажарилган ишларнинг номи	Ўлчов бирлиги	Микдори	Нархи (сум)	Етказиб бериш нархи (сум)	Акциз солиқ		Қ Қ С		АКциз ва ҚҚ солиқ билан етказиб бериш нархи			
						Ставка	Сумма	Ставка	Сумма				
1	Автомобиль транспортида ташишни ташкил этиш ва бошқарув					Акциз солиқсиз		Қ Қ С					
2	Йўл ҳаракати коидалари ва ҳаракат хавфсизлиги асослари												
3	Автотранспортда ташиш билан шуғулланувчи тадбиркор-ҳайдовчи												
4	Автотранспортда халқаро ташиш билан шуғулланувчи ҳайдовчи												
	Жами:												
	Жами тўлов сумма:												

Раҳбар: _____

Бош ҳисобчи: _____

Товар берувчи: _____

Қабул қилди: _____

201__ «__» _____ йилдаги № _____ сонли ишончномага асосан қабул қилинди.

(Фамилия, исми шарфи)

М.Ў

20__ йил «__» _____ даги _____ рақамли шартномага асосан
Бажарилган ишни топшириш-қабул қилиш тўғрисидаги
20__ йил «__» _____ даги № _____ сонли ДАЛОЛАТНОМА

Биз, қуйидаги имзо чекувчилар «ИЖРОЧИ» Автомобиль транспорти кадрлари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институти Давлат корхонаси бош директори М.Калонов бир томондан ва «БУЮРТМАЧИ»

раҳбари _____ иккинчи томондан мазкур далолатномани туздик. Ҳақиқатдан ҳам «ИЖРОЧИ» томонидан бажарилган ишлар шартнома шартларига мос келади. Бажарилган ишлар шартнома шартларига мос _____ (_____)

сўмни ташкил қилади. «БУЮРТМАЧИ» ишни қабул қилиб олди ва бажарилган ишларга эътирози йўқ. Ушбу далолатнома «БУЮРТМАЧИ» ва «ИЖРОЧИ» ўртасида 20__ йилдаги ишлар юзасидан ҳисоб-китоб олиб боришлари учун асос бўлади.

«ИЖРОЧИ»

«БУЮРТМАЧИ»

ИМЗО _____ М.Ў.

ИМЗО _____ М.Ў.